

Киргиз халки тарихи ва халк огзаки ижоди. Тяньшань водийсида ва тогларда жойлашган киргиз ўлкаси-Киргизистон, бир томондан, Козогистон, Ўзбекистон ва Тожикистон республикалари билан, иккинчи томондан, Хитой Халк Республикаси билан чегарадош. Киргизлар тўгрисидаги энг кадимги ёзма маълумотларни милоддан илгариги II асрга оид манбалардан топамиз. Ўтмишда, асосан, чорвачилик билан шугулланган бу кўчманчи халк узок асрлар давомида чет эл боскинчилари зулми остида эзилиб келди. Киргизистонда VIII асрда араб боскинчилари, XII асрда кўчманчи корахитойлар, XVI асрда мўгул истилочилари ва нихоят, рус боскинчилари хукмронлик килган даврларда мамлакатнинг иктисодий-сиёсий ва маданий хаёти инкиrozга юз тутди.

Киргиз халкининг ота-боболари жуда кадим замонлардаёк Ўрта Осиё, Тяньшань ва Еттисув вилоятларида гуннлар, шунингдек, саклар, скифлар ва бошка кўшни кабилалар билан якин алокада бўлиб, уларнинг маданияти, дини ва урф-одати таъсири остида яшаганлар. VIII асрда араб истилочилари томонидан забт этилган Киргизистонга ислом дини хам ёйилади. Кейинчалик «Буюк ипак карвон йўли» да жойлашган киргиз шахар ва кишлокларида адабий-маданий хаёт бирмунча жонланди, дехкончилик, чорвачилик ўсади. Савдо-сотик ишларининг йўлга кўйилиши Киргизистонга хитой, форс ва юон маданиятининг кириб келишига сабаб бўлди. XIV асрнинг охирларида темурийлар давлатига карашли бўлган Киргизистонда мўгуллар истилосидан харобага айланган шахар ва кишлокларни кайта тиклаш бошланганингига карамай, бу ўлканинг иктисодий ва маданий киёфасида юз берган жарохатлар батамом тузалиб кетмади. Киргиз халкининг адабиёти ва маданияти халк огзаки ижоди шаклида ривожланди. Бизгача етиб келган халк ашула ва кўшиклари, макол, эртак ва достонларида киргиз-халкининг узок асрлар давомидаги кўчманчи-чорвачилик хаёти, уларнинг ўз хўжайнинларида карши олиб борган курашлари хакконий акс эттирилган. Фольклор асарларида киргиз халкининг меҳнатсеварлик, ватанпарварлик ва адолатпарварлик гояларини исфодаловчи жуда кўп кўшиклар, эртаклар, достонлар мавжуд. Бу асарларнинг яратувчилари ва ижро этувчилари меҳнаткаш халқdir. Шунинг учун уларда, кўпинча, халк хаётига оид турли-туман маросимлар, чорвачилик ва дехкончилик хаёти билан boglik воеалар, нихоят, камбагаллар билан бойлар ўртасидаги кескин синфий тўкнашувлар ўз аксини топган. Киргиз фольклорида мухаббат кўшикларидан ташкари, хажвий кўшиклар хам учрайди. Уларда хукмрон доираларнинг меҳнаткаш халкка ўтказган зулми, хасислиги, хийла-найранглари танкид килинган.

Киргиз халк эртакларининг кўпчилигигида, худди халк қаҳрамонлик достонларида бўлгани каби, кизикарли сюжет ва реалистик воеалар билан афсонавий воеалар аралаш холда хикоя килинади. Кўпгина киргиз хажвий эртакларида бош қаҳрамон ролида халк орасидан чиккан доно, тадбиркор, оддий кишилар Кўса ва Кал образида гавдаланади. Бундай хажвий эртаклар орасида Алдаркўса номи билан boglik бўлган эртаклар ўзларининг гоявий ўткирлиги ва бадиийлиги билан ажралиб туради.

Киргиз халк огзаки ижодида халк қаҳрамонлик достонлари айникса машхур. Асрлардан бери оғиздан-оғизга ўтиб, бизгача етиб келган «Кўрман ек», «Эртобилди», «Эртуштук», «Жонил Мирзо» каби халк қаҳрамонлик достонлари орасида, шубҳасиз, «Манас» достони ўзига муносиб ўрин эгаллайди. «Манас» достони уч катта кисмдан иборат. Биринчи кисмда халк қаҳрамони Манас, иккинчи кисмда Манаснинг ўгли Семетей ва учинчи кисмда Манаснинг набираси Сейтекнинг хаёти, саргузашти ва қаҳрамон-ликлари

тасвириланган.

«Манас» эпосининг Семетей ва Сейтек хаётига багишиланган кисмларида бу икки авлод каҳрамонларнинг душманга карши олиб борган жанглардан кўра, уларнинг оиласи ҳаёти ва ишқ мухаббат воеалари билан боғлик ички хис-туйгуларини акс эттиришга кўпроқ эътибор берилган.

Киргиз фольклорида «Манас» эросини куйловчи профессионал манасчи шоирлар етишиб чиқди. Улар эпосни ижро этиш вактида унга ижодий тарзда айрим ўзгариш ва қўшимчалар киритганлар. Шунинг учун бизга етиб келган «Манас» достони вариантларининг хаммаси хам гоявий мазмуни ва бадиийлиги жихатдан бир хил эмас. Масалан, машхур манасчи Саёкбай Ўразбеков ижросидаги вариантида Манасни кўпроқ хон, қўшни элларни босиб олувчи саркарда образида кўрамиз. Бу хол турли тарихий даврларда хукмрон доирларнинг «Манас» эпосидан ўз манфаатлари учун фойдаланишга уринишларининг натижасидир. Шунинг учун «Манас» эпосини ўрганишда ундаги икки бир-бирига зид тенденцияни хисобга олиш зарур.

Тўгалок Мўлда - халк қўшиклари ижрочиси. Тўгалок Мўлда халк окинларидан бири бўлиб, у XIX аср киргиз адабиётида катта мавкега эга эди. Окинликни ўз бобосидан мерос килиб олган Тўгалок Мўлданинг (асли номи Байимбет Андирахмонов) ёшлиги азоб-укубат билан ўтди. У аввал киргиз манапи (феодфли) кўлида, сўнг рус кулаги эшигига батраклик килди. Унинг окинлик-шоирлик фаолияти, бир томондан, машхур киргиз окинларидан ўрганиш натижасида, иккинчи томондан, козок мумтоз шоири Абай Кўнонбоев ва татар шоири Абдулла Тўкай ижодининг таъсири остида шаклланди.

Тўгалок Мўлда дастлабки пайтларда халк қўшикларини кайта ишлаб, улар оркали туткун хотин-кизларнинг хаётдан норозилигини ифодаласа, кейинчалик халк эртак ва масаллари сюжети асосида ўзинигг «Жонбокти», «Кемчентой», «Эшак ва булбул» сингари оригинал масал ва хажвий достон-ларини яратди. Бу асарларда Тўгалок Мўлда мажозий образлар воситаси билан ўша замон амалдорларининг золимлиги, фаросатсизлигини аёвсиз фош килиб ташлади. Тўгалок Мўлда ўз асарларида жамиятдаги ижтимоий қарама-каршиликларни тўгри тасвирилайди, бирок уларни бартараф этишининг тўгри йўлини кўрсата олмайди.

Тўхтагул Сотилгановнинг “Беш кобон” ва “Эшон ҳалфа”асарларида амалдорларни кирдикорларини фош этилиши. Машхур киргиз халк окини Тўхтагул Сотилганов ёшлик йилларидаёк дарбадор юриб қўшик айтиб, хаётни яхши ўрганди. У яшашнинг маъносини ўзича талкин килади. Чунончи, шоирнинг фикрича, меҳнат инсонга кувонч багишилади; дўстлик кишига об-хаводай зарур нарса; севишда ошик ва маъшуканинг садокати ва ишончи катта роль ўйнайди; севги хаёт булоги демакдир. Тўхтагул ижодидаги инсонпарварлик айрим окинлар асарларидағи умидсизлик кайфиятига тамоман зид эди. Тўхтагул ўз ижодини меҳнаткаш халк билан махкам баглаган халкпарвар окин эди. У ўзининг айрим шеърларида («Эшон ҳалфа») эшон-муллалар устидан захарханда билан кулса, бошкаларида («Беш кобон») феодалларни ёввойи тўнгизга ўхшатиб, уларни шарманда-ю шармисор килди, хакикат учун астойдил кураш олиб борди. Халк окинининг бундай оташин чикишларидан амалдорлар ташвишга тушиб, ундан ўч олишга уринадилар. Нихоят, 1898 йилда Тўхтагул Андижон кўзголонида катнашган деган тухмат билан Сибирга сургун килинди. Етти йиллик сургун азоби халк шоирининг иродасини букаолмади, аксинча, унинг хаёт тажрибасини бойитди. Сургунда ўтказилган кувгунлик даври шоир ижодидаги норозилик мотивларининг чукур ижтимоий мазмун касб этишига сабаб бўлди.

Энди Түхтагул Сотилганов киргиз халкининг ашаддий душмани бир ховуч чор амалдорлари ва улар билан тил бириктириб, камбагаллар конини сўрган махаллий бойлар эканлигини тушунди. Сургундан кайтиб келган шоир Түхтагул ижод этишни тўхтатмади. У атоқди оқинлар ўртасида тез-тез бўлиб турадиган айтишув (ижодий мусобака)лардан минбар сифатида фойдаланиб, рус амалдорларини фош килишни давом эттирди. Масалан, «Беш кобон» шеърида «кобон»номи билан танилган бешта амалдорга мурожаат килиб, шундай дейди:

Етим-есир. холсизни Санамадинг, беш тўнгиз.

Саваладинг, беш тўнгиз. Еб-ичишдан бошкани

Одам ўрнида йўксулни Тан олмадинг, беш тўнгиз.

...Жахлингиз чикса кутуриб Тирноги захар беш кобон,

Уй-жойимни таларсиз. Ялинмайман хеч качон.

Конхўрлигинг авж олса, Майли, ўлдир, дунёга

Ўлдириб, коним яларсиз. Кайтиб келмас чикса жон.

Тўхтагулнин Сибирь сургун даҳшатлари тўғрисидаги кўшиклари эзилган, меҳнаткаш халк кўзини очар, уларни гафлат уйкусидан уйготар эди. Шоирнинг сургунда юрган даврида ва сургундан кайтгач яратган энг яхши кўшиклари («Алвидо, халким», «Хайр, она», «Сургунда», «Тог бургути», «Салом, меҳрибон халким», «Согиниш», «Уч хўжа», «Мунгли кушча» ва бошкалар) ўзининг сиёсий ўткир гоявийлиги ва фош килувчанлиги билан ажралиб туради.

XX аср киргиз адабиёти. Киргиз ёзувчиларининг шеърий асарларида бўлгани каби, дастлабки насрый ва драматик асарларида ўтмишдаги аянчли хаётга карама-карши кўйиб тасвирлаш «Хожар» повестида, шунингдек, М. Токобаевнинг «Какей», К.

Жонтошевнинг «Кора соч», «Олим ва Мария» пьесаларида хам яккол кўриш мумкин. Кўп киргиз ёзувчилари сингари Тўгулдой Сидикбеков хам ўз ижодини шеър айтиш билан бошлади. Замонавий масалалардан баҳс этувчи бир неча достонлар («Тун хабарчиси», «Баходирлар») ёзиб тажриба орттирган ёзувчи тез орада китобхонларни «Кен сув» ва «Темир» романлари билан кувонтиради. Романда тасвирланишича, Кен сув овулида ташкил топган жамоага путур етказиш пайига тушадилар. Саодат деган бойнинг ўгли раислик лавозимига ўрнашиб олади. Камбагал ёшларнинг айримлари хам ёт унсурлар таъсирига бериладилар. Саодат ўзининг зааркунандачилик, кўпорувчилик ишларида Имон исмли камбагал комсомол йигитдан фойдаланмокчи бўлади. Лекин Сапарвой, Самтири ва Бубуш сингари комсомолларинг сезгирилиги туфайли унинг ёвуз ниятлари барбод бўлади. Шундан кейин Саодат Имонга, Сапарбойни ўлдиришни буюради. Имон эса колхозчилар олдида ўз килмишлари учун узр сўраб, сирни очиб ташлайди.

Т.Сидикбеков ўзининг бу романида халк оммаси хамда комсомол ёшларнинг колективлаштириш давридаги авангардлик ролини тўгри кўрсата олган.

Т.Сидикбековнинг 1948 йилда босилиб чиккан ва Давлат мукофоти билан тақдирланган (1949) «Замонамиз кишилари» романи киргиз халкининг уруш йилларидағи фидокорона меҳнатидан хикоя килади. Ёзувчи ромакда халкларкнинг маънавий бойлигини, мустахкам дўстона муносабатларини ишонтираси тасвирлаш оркали фашизм устидан козонилган буюк галаба сабабларини тупгунтиради. Н. Бойтемировнинг сўнгги йилларда эълон килинган насрый асарлари орасида 1958 йилда Москвада бўлиб ўтган киргиз адабиёти ва санъати декадасида юкори баҳолангандаги «Юлдузхон» романи ажралиб

туради. «Юлдузхон» кизнинг фидокорона меҳнати туфайли давлат арбоби бўлиб етишви тўгрисидаги асардир. Романдаги воеа халк хаётидан олинган. Асарнинг сюжети асосида Юлдузхон номли камбагал кизнинг саргузашти ётади: у ёшлида ота-онасидан айрилиб, етим колади. Юлдузхонни ўз тарбиясига олган акаси Тотибек-эскилик саркитларидан кутула олмаган киши. Шунинг учун у ўз синглисининг ўкишига тўскинлик килади. Юлдузхон меҳнатга берилади ва тез орада энг яхши теримчилар катори обрў козонади. Москвага Халк хўжалиги ютуклари виставкасига боради. Аввал бригадир, раҳбар бўлиб етишади. Киргизистон депутатлигига сайланади. Ўзбек китобхонлари сўнгги 30-40 йил ичida киргиз ёзувчиларининг «Замонамиз кишилари», «Тог болалари», «Жамила», «Сомон йўли», «Бирин-чи муаллим», «Сарвкомат дилбарим», «Алвидо, Гулсари!», «Ок кема» каби ўнлаб роман ва повестларини ўз она тилларида ўкишга мусассар бўлдилар.

Карши давлат университетининг катта ўқитувчи А. Хамдамов